

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Ш.Норов</b>	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
<b>К.Тошов</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти .....	84
<b>Г.Эгамбердиева</b>	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги) .....	89
<b>И.Ғуломов</b>	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари айрим рақамларда .....	94

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>О.Туйчиева</b>	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида .....	99
<b>З.Яхшиева</b>	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
<b>Ф.Икромхонова</b>	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши .....	107
<b>О.Дадажонов</b>	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини .....	111

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>С.Хашимова</b>	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
<b>О.Бегимов</b>	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
<b>З.Акбарова</b>	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили .....	124
<b>Г.Ҳакимова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари .....	129
<b>У.Раҳмонов</b>	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
<b>А.Уралов</b>	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи .....	138

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Л.Аҳмедова</b>	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт .....	143
<b>С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов</b>	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги .....	150

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
<b>О.Ахмаджонова</b>	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари .....	160
<b>К.Ражапов, И.Хомидов</b>	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш .....	163

УДК: 811.512.113 (043.3)

## МОРФЕМАЛАР ТИЗИМИДА АФФИКСОИДЛАР МАСАЛАСИ

## ПРОБЛЕМЫ АФФИКСОИДОВ В СИСТЕМЕ МОРФЕМ

## THE PROBLEMS OF AFFIXOIDS ON THE SYSTEM OF MORPHEMES

А.Уралов

## Аннотация

Мақолада аффиксоидларнинг маъно товланишлари масаласи, -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча, -той каби аффиксоидларнинг изоҳи, нома, гоҳ сингари аффиксоидларнинг ишлатилиш ўрни ва мазмуни очиқ берилган. Сифат лексемаси олдида келадиган энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда каби бирликларга муносабат билдирилган. Шунингдек, айрим манбаларда тарихий нуқтаи назардан эрмоқ феълидан ҳосил бўлган, бугунги кунда тўлиқсиз феъллар номи билан аталадиган эди, экан, эмиш шакллари ҳам аффиксоид ҳолатига келиб қолган бирлик сифатида қаралаётганига янгича фикрлар келтирилган. -ой, -жон каби аффиксоидларнинг сўз таркибида келиши мисоллар асосида изоҳлаб берилган

## Аннотация

В статье рассматриваются смысловые значения аффиксоидов -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча и -той, а также их пояснительная информация. Кроме того, в ней рассматривается использование таких аффиксоидов, как -нома и -гоҳ, включая их значения в узбекском языке. Далее, в статье рассматриваются значения слов, которые употребляются перед прилагательными лексемами энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда. Кроме того, в ней рассматривается историческая перспектива формирования форм аффиксоидов эди, экан, эмиш от глагола эрмоқ, а также новейшие взгляды на их формирование. В качестве примера приведено использование аффиксоидов -ой, -жон в составе слов узбекского языка.

## Annotation

This article discloses meaning of affixoids -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча and -той, including their explanation information. Besides the article reveals the usage of such kind of affixoids like -нома and -гоҳ, and their meanings in Uzbek language. Moreover, there is information about word meanings which used before of adjective lexemes, known as энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда. Also in the article given historical perspective of forming affixoids of эди, экан, эмиш from the verb of эрмоқ and their newest visions of appearance in Uzbek language. As example is given the usage of affixoids -ой, -жон in Uzbek language.

**Таянч сўз ва иборалар:** аффиксоид, маъно товланишлар, -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча, -той, -нома, -гоҳ, энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда, эди, экан, эмиш, лексема, эрмоқ феъли, номуносивлик, морфема, луғавий маъно.

**Ключевые слова и выражения:** аффиксоид, смысловые значения аффиксоидов -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча, -той, -нома, -гоҳ, энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда, эди, экан, эмиш, лексема, глагол эрмоқ, несовместимость, морфема, словарное значение.

**Keywords and expressions:** affixoids, meaning of affixoids -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча, -той, -нома, -гоҳ, энг, ғоят, ғоятда, бағоят, ниҳоятда, жуда, эди, экан, эмиш, lexeme, the verb эрмоқ, incompatibility, morpheme, dictionary meaning.

Адабиётларда аффиксоидлар масаласига турлича изоҳлар учрайди. Бу эса масаланинг тўлиқ ечимга келинмаганлигини кўрсатади. Туркий тилшунослик ва Европа тилшунослигида мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга айланиши жараёнлари В.В. Радлов, Э.Сепир асарларида кўрсатиб берилган. Қўшимчаларга маънодош бирликлар – аффиксоидлар хусусида сўз борганда, уларнинг 50-йиллар бошида герман тиллари тадқиқотчиси М.Д.Степанова томонидан “айрим аффикс” термини билан

тилшуносликка киритилганлигини эслаш лозим. Олиманинг фикрича, сўз ясалишида қўшма сўзнинг иккинчи қисми бўлиб келувчи иккинчи элемент сўз ясалишида фаол иштирок этиб, қисман ёки тўлалигича ўз маъносини йўқотади ва амалда қўшимча вазифасини бажаради.

Бу фикрларни “айрим сўзларнинг аффикс морфемалар қаторига силжиши натижасида (аффиксоидлар): -хона, -жон, -хон, -ой, -обод, -бой, -бачча/-вачча, -той каби (ишхона, ошхона; Аҳмаджон, Салимахон; Раҳимаой, Деҳқонобод, Ҳалимбой; амакивачча, Раҳимтой, Муллабой...каби)” [1,25]

А.Уралов – Сирдарё вилоят ХТХҚТМОҲМ Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

## ТИЛШУНОСЛИК

бирликларнинг ҳосил бўлганлиги ҳам исботлайди.

Ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган *нома*, *гоҳ* каби сўзлар тилимизда ўз маъносида ишлатилишидан ташқари аффиксоид ҳам бўлиб келади. Шу сабабли “*нома*- лексемаси ҳам (*вассалом*, *нома тамом* каби), *-нома* аффиксоиди ҳам (*таклифнома*, *айбнома*, *рухсатнома* каби) мавжуд” [2,116] бўлиб, маълумотнома, баённома сингари кўплаб сўзлар таркибида сўз ясовчи бирлик сифатида келади. Ишлатилиш доираси кенг бўлган бу шакл кўплаб асослар таркибига қўшилиб кела олганлиги учун ҳам мустақил сўз вазифасидан аффиксоидлик вазифасига ўтган

*Бўйдор*, *айбдор* каби сўзлар таркибида келадиган *-дор*, аслида, тожик тилидан олинган сўзлар таркибида тилимизга кириб келган. Кейинчалик ўзбекча сўзларга ҳам қўшилиш хусусиятига эга бўлган, бундай шакллар тожик тилшунослигида ҳам мавжуд бўлиб “*тузма* лексема” деб юритилади. Бизнинг тилшунослигимизда эса аффиксга ўхшатилиб, аффиксоид деб қаралади [8,52].

“Сифат лексема олдидан *энг*, *ғоят*, *ғоятда*, *бағоят*, *ниҳоятда*, *жуда* кучайтирув морфема-аффиксоидларини келтириш билан сифат лексема англатадиган белги кучли даражада эканлиги билдирилади: *энг гўзал*, *жуда гўзал* каби” [2,152]. Юқорида берилган фикрга таянадиган бўлсак, *энг*, *ғоят*, *ғоятда*, *бағоят*, *ниҳоятда*, *жуда* сингари бирликлар ҳам аффиксоид сифатида қаралиши лозим. Сифатларнинг орттирма, равишларда кучайтирув (*жуда*, *ғоят*, *энг*: *жуда тез югур*, *энг секин юр* каби) даражасини ҳосил қилишда ишлатиладиган бирликлар ташқи томондан аффиксоидга ўхшаса-да, бундай бирликларни аффиксоид деб бўлмайди. Чунки мустақил сўзларнинг қўшимчага тортилиши орқали ҳосил бўлган бирликларнигина аффиксоид дейиш мумкин.

Айрим манбаларда тарихий нуқтаи назардан *эрмоқ* феълидан ҳосил бўлган, бугунги кунда тўлиқсиз феъллар номи билан аталадиган *эди*, *экан*, *эмиш* шакллари ҳам аффиксоид ҳолатига келиб қолган бирлик сифатида қаралади: “Уч аффиксоид – *эди*, *экан*, *эмиш* гарчанд асос (*э-*) ва аффикс (*-ди*, *-кан*, *-миш*) қисмларидан ташкил топгани аниқ сезилиб турса ҳам, бундай маъноли қисмларга ажратилмайди, яхлитлигича

аффиксоид дейилади” [2,185]. Бундай бирликлар ўз маъносидан анча узоқлашиб кетган бўлса-да, феълларда аналитик шаклларнинг иккинчи қисми бўлиб келади: *-(и)б эди*, *-(и)б эмиш*; *-ган эди*, *-ган экан*, *-ган эмиш*; *-са эди*, *-са экан* каби.

“Аслида тожикча *хона* ўзбек тилида уй, уйнинг бўлмаси, ундаги бир “*жой*, *ўрин*” маъносини англатади (тожик тилида эса қўшма сўзнинг қисми ҳамда аффиксоид вазифаларида келади)” [3,31]. Бундан кўриниб турибдики, тожик тилидан ўзлашган бу аффиксоид бугунги кунда ўзбек тилида кенг қамровли ўрин жой оти ясовчи қўшимча (морфема) сифатида ўз ўрнига эга. (Ўз маъносида қўлланишини ҳам унутмаслик керак: *хонага кирдик*)

Тожик тилида эса қўшма сўзнинг қисми ҳамда аффиксоид вазифаларида келади. Бироқ, ясалган лексемалардаги барча маъноларнинг “*хона*” ва туб сўзлар маъноларидан йироқлашиш ҳолатини кузатиш мумкин. Умуман олганда, *-хона* аффиксоиди сўзларга қўшилганда жой маъносини ифодаласа ҳам, ясалмаларда маъно торайиши, кенгайиши ва зидлиги ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар тил тараққиёти жараёнида қўшма сўзлардан аффиксли ясалмалар ҳосил бўлишига олиб келган. Умуман, бу типдаги аффиксоидлар бора-бора ўзбек тили морфемикасини бойитиб боради.

Дастлаб бу қўшимча тожик тилидан ўзлашган сўзларга қўшилган, кейинчалик ўзбекча ва рус тилидан ўзлашган сўзларга ҳам қўшила бошлаган. “Тожикча сўзларга қўшилган: *меҳмон+хона*, *ажойиб+хона*, *зарб+хона*, *пашша+хона*; ўзбекча сўзларга қўшилган: *тўй+хона*, *муз+хона*, *оғил+хона*, *беда+хона*, *қоровул+хона*; рус тилидан ўзлашган сўзларга қўшилган: *душ+хона*, *ванна+хона*, *почта+хона*” [3,32].

Биз айнан бугунги кунда истеъмолда бўлган “*шифохона*” лексемаси таркибида ва унга маънодош бўлган “*касалхона*”, “*беморхона*”, “*докторхона*” каби лексемалардаги маъно товланишлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

*Касал* – *дард* – ўзаро синоним сўзлар: *Бу касалнинг давоси йўқ*. *Бу дарднинг давоси йўқ*.

*Шифо* – *даво* – ўзаро синоним сўзлар: *Мана шу дори сизга шифо бўлади*. *Мана шу дори сизга даво бўлади*.

Аммо *касал* – *шифо* лексемалари ўзаро синоним бўла олмайди. Сабаби “касал” “дард”га нисбатан тузалиш томон ўзгармоқда. Бунда “дард”га нисбатан маъно яхшиланиши, юқорига қараб кучайиши, семантик оттенкасининг ортиб бориши “даво”, “шифо” дейилади. Инсоннинг соғайиши, яхши бўлиши, тузалиши билан боғлиқ сўз “шифо”дир. Аксинча, оғирлашуви, дарднинг ёмонлашуви, ёмон бўлишини “касал” сўзи ифодалайди.

Изоҳлардан кўриниб турибдики, бир-бирига зид маъно ифодалаётган “касал” ва “шифо” лексемалари таркибига *-хона* аффиксоиди қўшилиши натижасида бир хил маъно бера бошлайди. Бундан сезиш мумкинки, бир вақтнинг ўзида ишлатиладиган, бир-бирига алоқаси бор икки зид сўз таркибига *-хона* аффиксоидининг маъно товланиши бир хил: *касал+хона*, *шифо+хона*. Яъни *-хона* аффиксоиди қўшилгач, икки маънодаги сўз бир маъно касб этмоқда.

*Бемор* ва *доктор* лексемалари ҳақида фикр юритганда ҳам улар орасида боғлиқликни сезиш қийин эмас. Бири объект, иккинчиси субъект бўлган бу лексемалар бир вақтнинг ўзида бир маъно ифодалаш функциясига эга эмас эди. Бунда икки маънони ифодаловчи икки сўз таркибига *-хона* аффиксоидининг қўшилиши натижасида икки ясама сўз бир тушунчани ифодалашга хизмат қилмоқда. Натижада *беморхона* ва *докторхона* сингари ясалмалар пайдо бўлди.

Юқорида келтирилган *-хона* аффиксоиди орқали ясалган сўзлар гарчи бир тушунчани ифодалашга хизмат қилаётган бўлса-да, келиб чиқиш ва маъно ифодалаш нуқтаи назаридан турли сўзлардир:

1. Касалхона – касалларни мунтазам кузатиш ва даволаш учун жойлаштирилладиган муассаса; (шифохона) [4,328].

2. Шифохона – даволаш муассасаси; (касалхона) [5,583].

3. Беморхона – кам қўлланади, айнан касалхона [6,227].

4. Докторхона – касалларга хизмат қилувчи муассаса (касалхона) [6. 639].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги маъноларга кўра, бу тўрт сўз ўзаро синонимдир. Бироқ, бу лексемаларга *-хона* аффиксоиди қўшилмасидан олдин *касал* ва

*бемор* сўзлари – “дард” маъносида; *доктор* – “даволовчи мутахассис” маъносида; *шифо* – “дори” ёки “даво” маъносида эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *-хона* аффиксоиди қўшилиши натижасида сўзлар орасидаги боғлиқлик янада яқинлашиб, бир тушунчани ифодаламоқда. Бироқ, ясалган лексемалардаги барча маъноларнинг *хона* ва туб сўзлар маъноларидан йироқлашиш ҳолатини кузатиш мумкин.

Ўзбек исмлари орасида Дилшод, Дилдора, Барно, Гавҳар, Ҳалим, Озод, Мурод каби исмлар кенг қўлланилади. Тилимиз бундай исмларни эркалаш ва хурматлаш қўшимчалари билан бойитиб боради. Чунончи, Дилшоджон, Дилдорахон, Барнохон, Гавҳарой, Ҳалимбой, Озодбек, Муродбек/Бекмурод каби исмларни олсак.

Бу исмларга қўшилган луғавий шакл ясовчи аффикслар (*-жон*, *-хон*, *-ой*, *-бой*, *-бек*) ўзбек тилида ҳар доим эркалаш маъносини билдиради. Бу борада бундай ҳукм чиқаришдан аввал бу морфемаларни асос морфема (аффиксоид) сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. “От туркуми лексемасига “илиқ муносабат” ифодаловчи *-жон*, *-бой* (*-вой*), *-хон*, *-ой* аффиксоидлари қўшилади: бувижон, Олимжон, Равшанбой, Комилахон, Турсуной каби. Бу аффиксоидлар айрим киши атоқли отларида уларнинг доимий таркибий қисми сифатида қатнашади: Ойхон, Ўғиллой каби” [2,149].

“Ой” сўзининг луғавий маъноси осмон жисми бўлиб, астрономик термин ҳисобланади. Сўз туркуми сифатида эса от сўз туркумидир. Бадииятда эса турли ўхшатишлар, яъни гўзал юзли, чиройли қизларни ой юзли қиз тарзида ёки ойдек қиз тарзида ишлатилиши мумкин. Бундай ўхшатишда қизнинг танҳолигини ва эришиб бўлмас даражадаги жамолини кўрсатилган.

“Ой” сўзи аффиксоид сифатида ифодаланганда унинг характери ўзгаради.

*-ой* аффиксоиди эса исмларга қўшилиш жараёнида (Гавҳарой) ўз мустақил маъносини йўқотиб, ундан тубдан фарқ қилувчи луғавий шакл ясовчи шаклга айланган. Аслида, мустақил сўз сифатида пайдо бўлган бу лексема тарихий тараққиёт натижасида аффиксоидга айланиб қолган. Яна шуни ҳам алоҳида айтиш мумкинки, бу аффиксоид эркалаш маъносидан ташқари ҳам асл маъносидан, лексемалик хусусиятидан унчалик узоқлашиб кетмаган.

## ТИЛШУНОСЛИК

Қисман бўлса-да, туб маъносини сақлаб қолган. Шу сабабли у морфем бирлик сифатида лексема ҳам, морфема ҳам бўлиши мумкин. Бу эса айна морфеманинг шаклий ва мазмуний номутаносиблигини келтириб чиқаради. Номутаносибликнинг бу турдаги кўриниши структур морфем номутаносибликка тегишлидир. Бу аффиксоид учун сўз таркибида келишнинг аффикс ҳолати ҳам, суффикс ҳолати ҳам бор. Чунончи, Ойхумор – Хуморой.

**-ой** аффиксоиди жинс ажратиш хусусиятига ҳам эга, яъни фақатгина қизлар исмига қўшилиб келади. Бу хусусият аффиксоиднинг луғавий маъноси билан боғлиқ. Тарихан ясалиш ҳолатларини инobatга олсак, *Ойбек*, *Ойжамол* сингари ҳолатларни ҳам кузатамиз. Шунингдек, унда ясовчилик хусусияти ҳам бўлган: *Ойбек*, *Ойдин*, *Ойхумор*, *Ойжамол* сингари исмлар бунинг исботи саналади. Бу исмлардаги аффиксоид одатда ясалаётган сўзнинг бошида келади ва ясалманинг туб моҳиятини сўзнинг асл маъносидан узоқлаштирамайди. Бугунги кунга келиб ясовчилик хусусияти батамом тўхтаган. Асли келиб чиқиш нуқтаи назардан олганда ясовчанлик хусусияти ҳам мавжуд бўлган.

Ёки бўлмаса, “хон” лексемаси мустақил ҳолатда (“улуғ хон”, “хоннинг олдида кирди” тарзида) подшоҳ маъносида ҳам ишлатилади. Лексемаларнинг бу ҳолатда келиши сўз сифатида тўғри. Бироқ аффиксоид сифатида ўз маъносини сақламаган. **-хон** аффикс сифатида эркалаш қўшимчаси бўлганлиги боис асл маъносидан батамом узоқлашиб кетган. Бу аффиксоид эркалаш билан биргаликда ҳурматлаш маъносида ҳам қўлланади, яъни хонга қиёсланиб, ҳурматланади: Азимхон (Улуғхон).

**-ой** аффиксоидидан фарқли ўлароқ **-хон** аффиксоиди жинс ажратишга хизмат қилмайди. **-ой** фақат қизлар исмига қўшилса (*Дилбарой*, *Барноой*), **-хон** аффиксоиди ҳар икки жинс исmlарига қўшилади (*Турдихон*, *Турсун* ўғил бола исми, *Турдихон*, *Турсуной* қиз бола исми).

“Жон” лексемаси мустақил морфема ҳисобланиб, ўзбек тилидаги эркалаш шакли **-жон** шу морфема асосида ўсиб чиққан. Бу, аслида лексема бўлиб, бугунги кундаги эркалаш шаклига алоқадор сўздир. Чунки, **-жон** аффиксоиди ҳам аслида мустақил маъноли сўз бўлиб, ўхшатиш туфайли

кишилик отларига қўшилиб ҳурмат ва эркалаш маъноларидаги аффиксоид ҳолатига тушиб қолган. **-жон** шакли эъзозлаш, эркалаш, қиёслаш, ўхшатиш маъноларида ҳам қўлланилади: *Фарҳоджон*, *Обиджон*. Эркалаш маъносидаги **-жон** аффиксоиди эса, *азизим*, *жоним* маъносида ва кичрайтириш маъноларида ҳам ишлатилади. Бу аффиксоид инсон жони, яъни асл мустақил маъносида ҳам келади, бунда *жон* инсон учун нечоғлик керак бўлса, эркалаш шакли сифатида ҳам бу инсоннинг жуда кераклигини ифодалайди: *Пўлатжон*, *Фурқатжон*, *Комилжон*. Лекин яна шундай бирликлар борки, бу морфемалар бир-биридан ажралмас қисмларга айланиб улгурган. Жонажон (яъни жондан азиз), болажон (болани севувчи) сўз шаклларида шуни кузатиш мумкин.

**-жон** аффиксоиди турли жинс исmlари орасида оммалашган: *Муроджон*, *Гавҳаржон*, *Нодиржон*, *Нарғизжон*, *Норжон*, *Дармонжон*.

Жонузоқ (Жонзоқ), Жонали, Жонмурод сингари исmlар бошида келиб, бирикманинг қисқарган ҳолатини ифодалайди. Бу ясалиш қаратқичли (мослашув) бирикишдан ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин (Жоннинг узоғи, Алининг жони, Жоннинг муроди). Шундай қилиб, **-жон** аффиксоиди асос морфема сифатида ҳам, сўз ясовчи морфема сифатида ҳам, шакл ясовчи морфема сифатида ҳам келиб, номутаносибликнинг бир кўринишини ифодалайпти.

Эркалаш маъносидаги **-той**, **-гул** шакллари ҳам бугунги кунда морфема сифатида туб маъноларини батамом йўқотиб ёки узоқлашиб, шакл ясовчи аффиксоидга айланиб қолган. Бундай шакл ясовчи аффиксларнинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Гарчи, бугун **-жон**, **-хон**, **-ой**, **-бек**, **-бой**, **-той**, **-гул** сингари аффиксоидлар отларда эркалаш, ҳурматлаш аффикслари деб қаралса-да, келиб чиқиш жиҳатидан мустақил сўзларга тенгдир.

Шакл ясовчи аффиксларнинг сўз ясалиш билан боғлиқ бўлганлари ҳам бор. Бу ясалмалар бугунги кунда деярли ясалмайди. Ҳатто эркалаш қўшимчаларида ҳам тарихан сўз ясалиши кузатилади. Бундай эркалаш қўшимчалари мустақил ҳолда (*Гўзалхон*, *Озодбек*, *Муроджон*, *Санамой*, *Ширингул*) кела олиши билан биргаликда, ўзаро бирикиб, янги исmlар ҳам

ясаган: *ой+бек – Ойбек, ой+хон – Ойхон, бек+жон – Бекжон, ой+гул – Ойгул, ой+жон – Ойжон, ой+хумор – Ойхумор*. Бу ясалмалар таркибидаги *-ой, -бек, -хон, -жон, -гул* унсурлари ўз маъносидан мутлақ уоқлашиб, ажралмас бирликка айланиб қолган. *Ойбек, Ойхон, Бекжон, Ойгул, Ойжон* лексемалари таркибида уларнинг морфемага ўхшаш қисмларидан бири сифатида иштирок этган “*ой*”, “*бек*”, “*хон*”, “*жон*”, “*гул*” бирликларини сўзнинг луғавий маъноли қисмлари деб бўлмайди. Бу бирликлар ўзларининг луғавий маъноларидан маҳрум бўлган. Энди уларни шу сўзлар таркиби нуқтаи назаридан луғавий қийматга эга морфема деб бўлмайди.

*-ой, -гул* аффиксоидлари қизлар исмига, *-бек, -бой, -той* аффиксоидлари йигитлар исмига қўшиб айтилса, *-жон, -хон* шакллари ҳар иккала жинсдаги инсонларга нисбатан ишлатилаверилади. Бу мустақил сўзлар исмларга қўшилганда, ўз мустақил маъноларини қисман сақлаб қолади. “*Мардонбек – бекларнинг ботири*”[9. 49]... “*Ниҳолой – ойдек сулув қиз*”[9. 30].

Умуман олганда, аффиксоидлар масаласи тилшуносликнинг морфемика сатҳини бойитиб турган бирликлар сифатида қаралади. Мустақил сўзларнинг морфем бирликлар қаторига қараб силжиши нитижасида, ўз маъносини қисман ёки тўлалигича йўқотади. Аффиксоидлар шакл кенгайиши ва сўз ясалишида фаол иштирок этади.

#### Адабиётлар:

1. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Т., 1992.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006.
3. Мирзакулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари. – Т., 1994.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. –Т., 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. – Т., 2008.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Т., 2006.
7. Бердиалиев А. Сўз таркиби ва шакл-маъно номутаносиблиги. Бишкек-2013.
8. Уралов А. Ўзбек тили морфемикасида мураккаб ва “кенгайган шакл”лар. Филол.фан. б.фалсафа.док. ...дисс. автореф. – Т., 2019.
9. Бегматов Э., Кенжаева С. Ўзбек исмлари маъноси. – Т., 2007.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).